Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 18 июнь, пайшанба • № 72 (22.309).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ватанни севмак иймондандур!

МИЛЛИЙ МАФКУРА ХАЛҚНИ ВА ЖАМИЯТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧДИР

Президент Ислом Каримовнинг "Тафаккур" журнали мухбири саволларига берган жавобларини зўр қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Унда давлатимиз раҳбари миллий мафкура ва жамиятимизни яқдил қилиб бирлаштирувчи, улуғ ва эзгу мақсадларга сафарбар этувчи ғояни шакллантириш устида кўпдан-кўп теран фикрлар, чуқур фалсафий мулоҳазалар баён этган. Суҳбатни ўқиган ҳар бир фуқаро: "Ҳа, бу менинг юрагимдаги гаплар", деб баралла айта олади. Воқеан ҳам, ҳар бир алоҳида олинган одамнинг куч-қудрати, салоҳияти, унинг билими, тафаккур даражаси, ақлу заковати белгиланган каби, ҳар бир халқнинг куч-қудрати ҳам унинг миллий мафкураси, олға етаклайдиган ғоялари мазмунида, маънавий-маърифий салоҳиятида намоён бўлади.

Дунёдаги жамики тараққий этган мамлакатлар тарихи, ўз халқимизнинг тарихи ҳам буни исботлаб турибди. Ислом Каримов сўзини "Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур" деб бошлайди ва буни узоқни кўрувчи бир мутафаккир инсон нигоҳи билан ҳозирги дунёни, мамлакатимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиб исботлаб беради. Дарҳақиқат, биз мустақиллика эришиб, тоталитар тузумнинг якка ҳоким мафкурасидан қутулдик. Жамиятимизда фикрлар, қарашлар хилма-хиллиги вужудга келди. Аммо биз айни вақтда мураккаб дунё билан алоқага киришганмиз. Мамлакатимизга турли йўллар билан ҳар хил ахборот оқимлари кириб келмоқда, ҳар хил динлар, мазҳаблар, секталар фаолият олиб бориб, ўз "таъсир доиралари"ни кучайтириш, "қавмларини кенгайтириш" пайига тушдилар. Бунинг устига, коммунистик мафкура тарафдорлари ҳам қуролларини ташлаганлари йўқ. Шимолу Шарқ, Жануб ва Ғарбдан турфа оқимлар кириб келаётгани, фундаментализм, ваҳҳобийчилик каби зарарли тўдаларнинг жамиятимизни ичдан туриб бузиш учун қилган ҳаракатлари намоён бўлиб қолди.

Мамлакатимизнинг осойишта ва тинч йўл билан тараққий этишини кўролмаётган ғанимларимиз ёшларни йўлдан уриш, уларнинг қалб ва шуурини эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар. Улар аввал қалбга қўл соладилар, кейин мияга, онгга ғаразли ғояларини билдирмасдан қуядилар ва охир-оқибатда нима деса итоат этадиган манқурт одамларни тайёрлайдилар. Шунинг учун ҳам юртбошимиз ҳақ: мафкурада муроса бўлиши мумкин эмас, мафкура соҳасида бўш жой қолдими, унинг ўрнини дарров бошқа мафкура эгаллаб олишга чоғланади. Бегона мафкура тагида эса сиёсий ва иқтисодий манфаат ётади, у ҳам бўлса — аввал одамларни ўз таъсирига олиш, кейин сиёсий эгаллаш, сўнгра ер-мулк, бойликларга хўжайинлик қилиш ва пировард натижада яна бизни қуллик тузоғига илинтириш.

Йўлбошчимиз ана шуларни уқтириб, ҳар галгидек бизни яна огоҳлантиради, ғафлатда қолмаслик, ўз ҳақ-ҳуқуқини танишга, кучли миллат, қодир ва қудратли жамият бўлиб уюшишга даъват этади. Кучли миллат эса — кучли мафкура байроғи остида шакланади, камол топади. Бугун дунё тараққиёти шундай ҳолатга келдики, мафкуравий кураш биринчи ўринга чиқди, фикрга қарши фақат фикр билан, ғояга қарши фақат ғоя билан курашиб олга бориш мумкин. Кимнинг мафкураси, миллий ғояси кучли бўлса, ўша енгиб чиқади, истиқбол тафаккури қудратли инсонлар қўлида. "Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир", дейди Ислом Каримов.

Шунинг учун ҳам миллий мафкурани ишлаб чиқиш, шакллантириш, одамларимизни шу руҳда тарбиялаш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарб ва аҳамиятли бўлмоқда. Бунга бефарқ қараш, фурсатни бой бериш, жуда кўп нарсадан маҳрум бўлиш демакдир. Иқтисодий тараққиётимиз ҳам, ислоҳотларимизнинг бориши ва истиқболимиз тақдири ҳам кўп жиҳатдан шунга боғлиқ, деб таъкидлайди Президент.

Хўш, миллий мафкура нима, жамиятни бир байроқ остида бирлаштирадиган ғояни қандай негизлар асосида шакллантириш мумкин?

Ислом Каримов бунга қуйидагича жавоб беради: халқ бир мақсад йўлида бирлашиши, буни аниқ англаб етиши керак. Мақсад эса — ўз миллатининг улуғворлигини англаб, шунга муносиб бўлиб, илму фан асосларини эгаллаш, ҳалол меҳнат қилиш орқали келажак деган турли манзилга интилиш. Ҳар бир одам, ҳар бир оила фаровонлиги, яхши яшаш орзуси ҳам у яшаган жамиятнинг соғломлиги, маънавий юксаклиги, тараққиётига боғлиқ. Халқнинг руҳи баланд бўлса, тафаккури қудратли бўлса, бу мақсад шунча тез амалга ошади.

Миллий мафкура ҳақида гапирганда, Президент бир муҳим фалсафий фикрни баён этади. (Зотан, бу давлатимиз раҳбарининг аввалги асарларида ҳам айтилган) Яъни, ўтмиш — бугун ва келажакнинг ўзаро вобасталиги. Ўтмишсиз бугун йўқ, бугун эса — келажак пойдевори. Биз миллий-маънавий уйғониш, миллий-маънавий янгиланиш деганда ўтмишни шунчаки ўрганиш, тарихнинг шонли саҳифаларидан ибрат олиб, ғурурланиш билангина чекланмаймиз. Ўтмишни ўрганиш унинг заиф томонларини кўра билиш, ибрат олиш, қиёслаш ҳамдир. Миллий-маънавий тикланиш миллийлик ва умумбашарийлик асосида янги куч-қудратга эга бўлиш, одамларимиз тафаккурини янгилаш, қаддини ростлаш демак. Шунинг учун миллий мафкура негизлари:

1. Халқимизнинг ўзлигини, муқаддас анъаналарини англаш;

2. Эркин хилма-хил фикрларини сақлаган ҳолда уларни жамиятни миллий манфаатини ифодаловчи ягона ғояга бўйсундириш;

3. Миллатчилик эмас, миллатсеварлик ва ўзга халқларни ҳурмат этишни уйғунлаштириб олиб бориш;

4. Ватанпарварлик, одамийлик хислатларини ривожлантириш;

5. Ўтмиш, бугун ва келажакни ўзаро боғлаш тамойилларига қурилади.

Миллий мафкура — бу илгаригидай "тепа" дан юбориладиган ва зўрлаб ўтказиладиган нарса эмас. Аксинча, у "пастдан", жамиятнинг ўзидан ўсиб чиқади. Чунки бу ғоя халқимизнинг ҳамияти, ғурури, орномусини акс эттирадиган ғоя. Халқимизнинг неча минг йиллар шаклланган анъаналари илдизидан қўкарган дарахт бу. Бу муаззам дарахт бугун мева бериши лозим. Шу боис ҳам Ислом Каримов ўз суҳбатида ёшлар тарбиясига жуда катта эътибор берган. Миллатнинг қудрати унинг пешқадам доно ва фидокор фарзандларида экан, ёшларни ўқитиш ва тарбиялашнинг масъулияти беҳад буюк. Келажагимиз ёшлар қўлида, бугун агар биз чинакам саводхон, оқил ва юксак маърифатли ёшларни тарбиялай олсак, эртага бизнинг қудратимизга жаҳон тан бериши аниқ. Шу боис Президент Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш ҳақида анча тўхтайди. Шу ерда фан асосларини эгаллаётган, хорижга бориб, интеллектуал салоҳияти, билимга чанқоқлиги билан бошқаларни қойил қилаётган умидли ёшларни тилга олиб, қувончини баралла изҳор этган юртбошимиз ўзимиздаги олий ўқув юртларидаги аҳволни ҳам кўздан кечириб, салбий ҳолатларни ачиниш билан қайд этди.

Биз энди билимнинг, билимли одамларнинг обрўсини кўтаришимиз керак. "Куч — билимда ва тафаккурда", дейди Президент. Таълим тизимини такомиллаштириш, дунё тажрибасини эгаллаш лозим. Тил ўрганиш ва жаҳон билан тиллашиш керак. Бироқ, шуларнинг ҳаммаси тарбия билан, маънавий-ахлоқий тарбия билан узвий бориши шарт.

Миллий мафкурани шакллантириш, уни ишлаб чиқиш давомли иш. Юртбошимиз бу соҳа одамлари олдига ҳам аниқ вазифалар қўйган.

Энг асосийси, халқимиз буни яхши англаб етиши лозим. Уюшган, яқдил одамларгина, муайян мақсадга эриша олдилар. Уюшган, ватанпарварлик ғурури жўш урган яқдил халқ, ҳамжиҳат, уюшган жамиятгина Ўзбекистонни буюк давлатлар қаторига олиб чиқади. Қудратли жамият қудратли давлатга қанот бағишлайди, миллий ғоя эса давлатни ҳам, оддий фуқарони ҳам бир марра сари сафарбар этади.

Осойишта, тинч жамиятимизнинг бунёдкорлик йўли шу. Тараққиётнинг гарови — ҳамжиҳатлик, онглилик ва огоҳликда. Биз қанча маърифатли бўлсак, шунча жаҳолат ва зулмат биздан чекинади, ҳар х ил шамоллар бизга таъсир қилмайди.

Нажмиддин Комилов,
филология фанлари доктори, профессор. (ЎзА)

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Болгария Республикаси Президенти Петар Стоянов таклифига биноан шу йил 23-25 июнь кунлари расмий ташриф билан Болгария Республикасида бўлади.

Бу дунёнинг ишлари

КИМНИНГ ҲИССАСИ КЎПРОҚ?

Буюк Британиянинг Кардифф шаҳрида очилган Европа иттифоқининг ўн беш мамлакати раҳбарларининг саммитида Германия билан Буюк Британия ўртасидаги молиявий келишмовчилик мажлисга салбий таъсир ўтказиши мумкин. Яқинда Боннда бўлиб ўтган учрашувда канцлер Гельмут Коль Британия Бош вазири Тони Блэрни огоҳлантириб, Германиянинг Европа иттифоқи жамғармасига қўшиши керак бўлган ҳиссаси ақл бовар қилмайдиган миқдордир, деди. Шу боис Бонн жамғармага қўшиши керак бўлган 7,15 миллиард фунт стерлинг маблағни учдан бирига қисқартириш пайида. Бу эса, расмий Лондонни қониқтирмаяпти. Бундан 14 йил аввал собиқ бош вазир Маргарет Тетчер Британия ҳиссасини йилига уч ярим миллиард фунт стерлингдан бир ярим миллиардга қисқартиришга эришган эди. Саммитда Тони Блэр иштирокчиларнинг диққатини ушбу мавзудан чалғитишга ҳаракат қилиши турган гап.

БАТЛЕР МАМНУНИЯТ ИЗҲОР ҚИЛДИ

БМТнинг Ироқдаги оммавий қирғин қуролларини тугатиш бўйича махсус комиссияси бошлиғи Ричард Батлер Бағдодда туриб, Ироқ билан ушбу соҳадаги ҳамкорлик натижаларидан мамнуният изҳор қилди. У Ироқ Бош вазири ўринбосари Тариқ Азиз билан икки кунлик музокаралардан сўнг ушбу баёнотни берди.

ҲОСИЛ ЎРИЛМОҚДА ВА ... ЭКИЛМОҚДА

Хоразмда ғалладан бўшаган ерларга такрорий экинлар жадал экилаётир

Хоразм воҳасида ғалла ўрим-йиғими қизғин паллага кирди. Вилоятнинг турли бурчакларидан дон тайёрлаш режаси бажарилгани ҳақидаги хушхабарлар оқими ҳам кўпайиб қолди. Ғаллачилик бригадаларининг аксариятида ҳар гектар майдондан 45-50 центнердан сара дон ўриб-янчиб олаётгани қувончлидир. Жумладан, Хива туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Мақсудбек Ёқубов бошлиқ бригадаси деҳқонлари 139 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтардилар. Қўшни Феруз номли хўжаликнинг Қўзи Ёвбосаров бригадасида ҳам ҳосилдорлик бўйича шу кўрсаткич қайд этилди.

Тумандаги Беруний ва Огаҳий номли жамоа хўжаликлари ғаллакорларининг шашти бундан ҳам баланд: улар 55 центнерлик маррани кўзлашаяптилар. Ўрим-йиғим жараёни пухта ташкил этилгани боис комбайнларнинг иш унуми юқори бўлаётир.

Айни пайтда бутун диққат-эътибор кўп меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган дейиш мумкин. Лекин такрорий экинлар ҳам назардан четда қолгани йўқ. Ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш ҳайдалиб, текисланиб шоли, полиз, сабзавот ва озуқа экинлари уруғи қадалаётир.

— Хоразмда ернинг қадри бениҳоя баланд, — дейди Хива тумани ҳокими Матёқуб Мадаминов, — ҳар қарич ердан фойдаланишимиз, фойдаланганда ҳам юксак унум билан фойдаланишимиз шарт. Акс ҳолда юртни боқиш, тўйдириш муаммога айланади. Ҳафта — ўн кунда ғалладан 1000 гектар ер бўшайди. Биз учун бу жуда катта имконият.

Маълумки, такрорий экинлар учун вақт жудаям тиғиз. Сал сусткашлик бўлдими, имконият қуш сингари қўлдан учиб кетади. Буни хивалик деҳқонлар яхши билишади. Шу боисдан мавжуд ишчи кучлари, техника воситалари тўла сафарбар этилган. Бир далада комбайн ғалла ўраётган бўлса, унга ёнма-ён пайкалда, сеялка уруғ экаётганини кўрасиз. Ғалладан бўшаган ерларнинг асосий қисмига маккажўхори экиляпти. Бу ҳам дон, ҳам чорва учун тўйимли озуқа демакдир. Тумандаги «Қорақум» жамоа хўжалиги деҳқонлари эса тажриба тариқасида 10 гектар ерга пахтанинг тез пишар С-4727 навини экдилар. Ҳозирдаёқ ниҳоллар бўй кўрсатиб қолгани бу пайкаллардан ҳам мўлжалдаги ҳосилни олишга умид уйғотади.

«Хива» хўжалигида сабзавот экинлари оби-тобида экилаётир. Бу хўжалик деҳқонлари сабзавот етиштиришда тажрибакор ҳисобланишади. Собиржон Саъдуллаев етакчилик қилаётган миришкорлар такрорий экинлардан ўтган йили ҳам мўл ҳосил олишган эдилар.

Хуллас, ҳозир Хива тумани хўжаликларининг деҳқонлари икки ташвиш билан яшамоқдалар: ҳосил ўрилмоқда ва ҳосил экилмоқда.

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

БИЗНИНГ НОМЗОДЛАР

РЎЙХАТГА ОЛИНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси томонидан, Олий Мажлиснинг бўшаб қолган депутатлик ўринларига номзод кўрсатиш юзасидан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши тақдим этган ҳужжатлар кўриб чиқилди ва 1998 йил 12 июнь куни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11, 24 ва 45-моддаларига мувофиқ:

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Шухрат Илҳомович Жалилов 28-Чинобод сайлов округидан;

«Наманганиркурилиш» тресті бошқарувчиси Зоҳид Умарович Абдуллаев 95-Шаҳанд сайлов округидан;

Поп тумани Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғининнинг раиси Аъзамхон Абраров 100-Камарсада сайлов округидан;

Ўзбекистон тумани Тагоб қишлоқ фуқаролар йиғининнинг раиси Хабибахон Усмонова 200-Қудаш сайлов округидан;

Муборак газни қайта ишлаш заводининг директори Нуриддин Зайниев 227-Косон сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб, рўйхатга олиндилар.

ҲДП хабари

Бугун биз уларнинг таржимаи ҳоли билан таништирамиз.

Ўзбекистон ҲДП МК матбуот хизмати

ШУҲРАТ ИЛҲОМОВИЧ ЖАЛИЛОВ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

Шуҳрат Илҳомович Жалилов, 1939 йилда, Фарғона вилояти Киров туманида, хизматчи оиласида туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. 1966 йилда Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос. Юридик фанлари доктори.

Ш. И. Жалилов меҳнат фаолиятини 1956 йилда Фарғона вилояти Бешариқ тумани сув хўжалиги бўлимида ишчиликдан бошлаган. Ҳарбий хизматдан кейин, университетни тамомлагач, ТошДУда ўқитувчи, катта ўқитувчи бўлиб ишлади. Илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, юридик фанлари номзоди бўлди, сўнг докторлик диссертациясини ёқлади.

Меҳнат фаолияти давомида Ш. И. Жалилов Ўзбекистон ёшлар ва партия ташкилотларининг қуйидан то марказигача бўлган даражадаги тизимида турли масъул лавозимларда, шунингдек, Тошкент раҳбар кадрлар тайёрлаш олий мактаби проректори, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси халқ таълими бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши котиби, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари вазифаларида ишлаган.

1998 йилдан эътиборан у республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси.

Ш. И. Жалилов қатор йиллар давомида, Мустақиллик куни, Наврўз умумхалқ байрамларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ишчи гуруҳининг раҳбари сифатида, ўзининг алоҳида ташкилотчилик маҳоратини намоён этди.

У халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати этиб сайланган. «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Шуҳрат Илҳомович Жалилов 28-Чинобод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

ЗОҲИД УМАРОВИЧ АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

Абдуллаев Зоҳид Умарович 1955 йилда, Наманган шаҳрида, ишчи оиласида туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. 1977 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги — электрик-муҳандис.

З. У. Абдуллаев меҳнат фаолиятини 1977 йилда Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг Автоматик бошқаруви бўлими муҳандислигидан бошлаган.

Меҳнат фаолияти давомида «Наманганэлектросеть» корхонасида ахборотларни механизациялашган қайта ишлаш бўлими муҳандиси, «Наманганиркурилиш» трестининг техник бўлими катта муҳандиси, мазкур трестнинг бош технологи, «Наманганиркурилиш» трестининг Наманган механизациялашган кўчма колоннаси участка бошлиғи, бош муҳандиси лавозимларида хизмат қилди. Кейинчалик, 1-Наманган махсус кўчма колоннаси бошлиғи, «Наманганиркурилиш» трести бошқарувчисининг иқтисодиёт бўйича ўринбосари бўлиб ишлади. 1993 йилдан буён эса З. У. Абдуллаев — «Наманганиркурилиш» трести бошқарувчиси.

З. У. Абдуллаев Наманган вилояти халқ хўжалиги турли иншоотларини қуришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги билан қурувчилар, вилоят фаоллари орасида ҳурматга сазовор бўлди. Жамоага раҳбарлик қилиш жараёнида у аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ходимлар турмуш шароитини яхшилашга катта эътибор бермоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Зоҳид Умарович Абдуллаев 95-Шаҳанд сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

АЪЗАМ АБРАРОВ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

Аъзам Абраров 1941 йилда, Наманган вилояти Поп туманидаги Хўжаобод қишлоғида, хизматчи оиласида туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. 1971 йилда Наманган Давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — ўқитувчи.

А. Абраров меҳнат фаолиятини 1958 йилда Поп туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги аъзолигидан бошлаган.

Ҳарбий хизматни ўтагандан сўнг, меҳнат фаолиятини, 1965-1973 йилларда, 7-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган, 1973-1976 йиллар давомида 36-мактаб директори, 1986-1990 йилгача 7-ўрта мактаб директори бўлиб ишлаган.

1990 йил февраль ойидан «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғининнинг раиси.

А. Абраров ҳаёт тақозоси билан қайси лавозимда ишламасин, ўзини тиниб-тинчимас ташкилотчи, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан раҳбар, ташаббускор инсон сифатида кўрсатиб келмоқда. Унинг бу хислатлари, айниқса, у фуқаролар йиғини раиси лавозимини эгаллагандан сўнг янада ёрқинроқ намоён бўлди. Бозор иқтисодига ўтиш шароитида у аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уруш ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик кўрсатиш, ёшларни тарбиялаш ишига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Шу билан бирга, ободончилик, атроф- муҳит муҳофазаси унинг доимий назоратида. Унинг раҳбарлигида фуқаролар йиғини 1997 йилда Инсон манфаатларига бағишланган тадбирларда фаол иштирок этди. Бу йил эса, йиғин ҳудудида Оила йили тадбирлари муваффақиятли ўтмоқда. Буларнинг ҳаммаси А. Абраровнинг барча жабҳалардаги масалаларни моҳирона ҳал этиши, мўлжалланган ишларни амалга оширишга ёшу қари, кенг фаоллар жамоатчилигини жалб этишининг натижасидир.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

Аъзам Абраров 100-Камарсада сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

ХАБИБАХОН УСМОНОВА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

Хабибахон Усмонова 1948 йилда, Фарғона вилояти Фурқат туманидаги Ҳамробод қишлоғида, деҳқон оиласида туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. 1969 йилда Фарғона педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — ўқитувчи.

Х. Усмонова меҳнат фаолиятини 1969 йилда Ўзбекистон тумани 6-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Ташаббускорлиги, изланувчанлиги туфайли, юқори лавозимларга тавсия этилди. У 1977-1983 йиллар ушбу мактабнинг тарбиявий ишлар ташкилотчиси, сўнгра, 1983-1993 йиллар давомида, унинг директори лавозимларида ишлади. Мазкур вазифаларда Х. Усмонова ўзини талабчан раҳбар, моҳир ташкилотчи сифатида намоён қилиб, жамоатчилик ишларида фаол иштирок этди.

1993 йилдан буён у Ўзбекистон тумани Тагоб қишлоқ фуқаролар йиғининнинг раиси.

У ўз фаолиятида ободончилик, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш масалаларига катта эътибор бермоқда. Шу билан бирга, Х. Усмонова таълим муассасалари моддий-техника базасини яхшилаш, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига асосан тайёрланган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалалари ҳам унинг доимий эътиборида.

Х. Усмонова халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгашининг депутати.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Хабибахон Усмонова 200-Қудаш сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

НУРИТДИН ЗАЙНИЕВ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

Нуриддин Зайниев 1952 йилда, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги Чоршанбе қишлоғида, хизматчи оиласида туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. 1974 йилда Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригация институтини ва 1990 йилда Ижтимоий фанлар академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи-ташкилотчи, сиёсатшунос. Иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1974 йилда Қашқадарё электр тармоқлари корхонасида электромонтёрликдан бошлаган. Кейинчалик шу ташкилотнинг ўзида навбатчи муҳандис, катта муҳандис, корхона техник хизмати бошлиғининг ўринбосари лавозимларида ишлади.

Меҳнат фаолияти давомида Қашқадарё электр тармоқлари корхонаси ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитасининг раиси, Қарши шаҳар партия қўмитасида саноат бўлимининг йўриқчиси, Қашқадарё вилоят партия қўмитасида йўриқчи, бўлим мудири, қўмитанинг иқтисод бўйича котиби, «Насаф» универсал товар-хомашё биржаси бошқарувининг раиси бўлиб ишлади.

1992 йилдан буён Н. Зайниев Муборак газни қайта ишлаш заводининг директори.

У мазкур корхонага раҳбарлик қилар экан, ўзини иқтисодиётни яхши тушунадиган ишбилармон, тажрибали ва моҳир мутахассис сифатида намоён қилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин оширишга эришди. Газлаштириш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга катта аҳамият бермоқда.

Н. Зайниевга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони берилган, у «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган.

Н. Зайниев, айни пайтда, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг депутати, Ўзбекистон ХДП МК аъзосидир.

Оилали. 4 нафар фарзанди бор.

Нуриддин Зайниев 227- Косон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК

●Навоий вилоятининг ер майдони 110,8 минг кв. км.

●Аҳолиси 764 минг киши.

●Вилоят таркибида 8 туман (Конимех, Навбаҳор, Навоий, Нурота, Томди, Учқудуқ, Хатирчи, Қизилтепа), 7 та шаҳар (Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Кармана, Қизилтепа, Нурота, Янгиработ) ва 6 та шаҳарча (Маликработ, Конимех, Лангар, Мурунтов, Тинчлик, Ғозғон) бор.

●Вилоятнинг маъмурий маркази Навоий шаҳри.

●Аҳолиси 128 минг киши, ер майдони 5170 гектар.

●Шаҳар ягона бош лойиҳа асосида саноат шаҳри сифатида бунёд этилган.

●Шаҳарга буюк мутафаккир Алишер Навоий номи берилган.

АҲОЛИСИ

●Аҳоли зичлиги 1кв.км. га 6,8 киши тўғри келади.

●Аҳолининг 50 фоиздан ортиғи вилоятнинг Навбаҳор, Навоий, Қизилтепа ва Хатирчи туманларида яшайди.

●Вилоят аҳолисининг 69,6 фоизини ўзбеклар, 8,47 фоизини руслар, 12,6 фоизини қозоқлар, 2,1 фоизини татарлар, 1,3 фоизини тожиклар, 0,9 фоизини украинлар, 6,2 фоизини бошқа миллат вакиллари ташкил этади.

САНОАТИ

● Навоий вилояти саноати Ўзбекистонда етакчи ўринни эгаллайди.

●Саноат тармоқлари: энергетика, кон-руда металлургияси, кимё, қурилиш материаллари, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноати.

Далил ва рақамлар

● Энг йириклари: Навоий кон-металлургия комбинати, қуввати 1250 квт, Навоий ГРЭСи, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Навоийцемент» ва Электрокимё ҳиссадорлик жамоалари, Нурота ва Ғозғон мармар конлари, ун комбинати, «Маҳаллий саноат» савдо-саноат концерни.

●Вилоятда 39 та қўшма корхона мавжуд.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

●Етакчи тармоқлари: пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, қоракўлчилик, пиллачилик.

●Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 9526,5 минг гектар, шундан яйловлар 9400,2 минг гектар, суғориладиган ер ресурслари 91564 гектарни ташкил этади.

●Қоракўлчилик етакчи тармоқ. Яйловларида 1 миллиондан зиёд қоракўл қўйлари боқилади. Қоракўл тери тайёрлаш бўйича вилоят республикада иккинчи ўринни эгаллайди.

ТАШҚИ АЛОҚАЛАР

●Вилоятда ташқи иқтисодий алоқалар кунданкун ривожланмоқда. Индонезия, Англия, ХХР, КХДР, Польша, Швейцария, Туркия, МДҲ давлатлари билан савдо-сотиқ қилинади.

●Экспорт қилинадиган маҳсулотлар асосини пахта толаси, аммиак селитраси, кимё толаси, сульфат аммокий, цемент, артоаминофенал ташкил этади.

Ислом КАРИМОВ:

Бугунги кунда мустақил давлатимизнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётида навоийлик меҳнаткашлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Сахийқалб ва меҳнаткаш навоийликлар саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларда бирмунча ижобий натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Тараққиёт тарихидаги олтин саҳифа

Навоий вилояти мамлакатнинг йирик саноат минтақасидир. Ҳозир бу ерда 17 та йирик саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг энг маҳобатлиси, шубҳасиз, Навоий кон-металлургия комбинатидир.

Қизилқум тонгларини олтинранг тонглар дейишади. Бежиз эмас бу, албатта. Кўпдан-кўп маъданлар кони шу ерда.

Эрамиздан аввал яшаб ўтган юнон тарихчиси Геродот бу ерда яшаган қабилалар асосан олтин ва мис ишлатгани ҳақида ёзади. Страбон эса, «темир жуда кам, олтин ва мис мўл-кўлдир», деб айтган. Плутарх ва Арриан бу жойларда асфальт манбаи — битум борлигини қайд этган.

Олимларнинг далолат беришича, бундан 5-7 минг йиллар илгари Олтинтов,



Мурунтов, Учтут, Сармишсойда ҳар хил шахталар ишга туширилган, ибтидоий тоғ-кон саноатига асос солинган.

Истиқлолдан кейин бу ерда мамлакатнинг олтин саноати академияси яратилди, десак муболаға бўлмайди. Президент Фармонига кўра Навоий Давлат кончилик институти ташкил этилди. Ҳозир институт қошида ихтисослашган лицей ва коллеж, аспирантура фаолият кўрсатмоқда. Бу илм марказида шу заминда униб-ўсган минглаб иқтидорли ёшлар таълим олаётир.

Шу кунларда эса институт ўнлаб кончиларни, юзлаб бўлажак саноатчиларни учирма қилаётир.

1

Ўтган йили ишлаб чиқарилган олтин миқдори мустақилликнинг дастлабки йилига нисбатан 1,5 баробарга кўпайди.

Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта.

Сир эмас, истиқлолдан кейин: «Мана, собиқ иттифоқ миқёсидаги алоқалар узилди, энди олтин саноати ҳам инқирозга юз тутади», деганлар кўп бўлган. Лекин узоқни кўзлаб юритилган сиёсат ва фидокорона меҳнат нохайрихоҳ кимсалар кутган инқирознинг наинки олдини олди, балки фавқулодда юксалишга замин яратди.

Зарафшон шаҳрида «Ньюмонт Майнинг корпорейшн» фирмаси билан ҳамкорликда Ўзбек — Америка «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонаси қисқа муддат ичида шиддат билан қуриб битказилгани, 1995 йилнинг майида иш бошлагани бугун тарихга айланган.

Орадан бир ой ўтиб-ўтмай, Учқудуқда учинчи гидрометаллургия заводи дастлабки маҳсулотини рўйи заминга кўз-кўз қилди. Унинг очилиш маросимида нутқ сўзлаган Президент Ислом Каримов шундай деди:

— Бу кун... бутун дунёда катта қизиқиш уйғотадиган ҳақиқий олтин корхонангиз тараққиёти тарихига олтин саҳифа бўлиб киради!

Яратувчилик хислати

Хорижлик ишбилармонлар бу юртдан оёқ узишмайди. Қизилқумда улар билан бирга яна бир қўшма корхона барпо этилди. «Агама» деб ном олган бу корхонада асосан тўқимачилик маҳсулотлари — катталар ва болалар учун кийим-бош ишлаб чиқарилмоқда.

Бугунги кунда бу корхона ишлаб чиқараётган 30 дан ошиқ маҳсулотлар жаҳон андозаларига уйғунлиги билан эътибор қозонди, шунинг учун ҳам тайёрланаётган кийим-кечакларнинг асосий қисми чет эллардаги харидорларга, шунингдек, Россия ва Қозоғистонга жўнатилмоқда.

Олтин ишлаб чиқариш заводи ҳам аслида қўшма корхона сифатида юзага келган, унда турли-туман тилло тақинчоқлар ишлаб чиқарилади, улар шу қадар жозибалики, ҳатто хорижликларни ҳам ўзига маҳлиё этади.

Ҳозир биргина мана шу — олтин ишлаб чиқариш заводининг ўзида 200 дан зиёд киши меҳнат қилади. Бир йилда улар бир неча миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаради. Қўли гул усталар ясаётган тилло буюмлар хорижда ҳам харидоргир. «Ўзбек Эльдораси». Хорижлик ишбилармонлар бу минтақани бир сўз билан шундай деб аташади. Ва фақат кон-металлургия комбинатининг ўзида 42 миллат вакили — 53 минг ишчи бир оила аъзолари каби меҳнат қилади.

Гап кон-металлургия комбинати ҳақида борганда кўпчилик олтинтопарларни хаёл қилишади. Ҳолбуки, улар уран хомашёсини ҳам қазиб оладилар.

*Эльдорадо — (el-dorado) испанча сўз бўлиб, олтин, олтинли, нодир ҳазиналарга бой мамлакат, деган маънони англатади.

Вилоят аҳолисининг, Эльдорадо қумлоқлари тилло ҳимоясида ётиб, офтобда тобланар, сўнг муҳаддас кўлда чўмилар экан.

2

Асл олтин ёмбилари бозорининг Лондон уюшмаси томонидан Навоий саралаш заводига энг мақбул маҳсулот етиштириб берувчи мақоми берилган.

Ўзбек эльдорадоси улкан имкониятлар минтақасидир.

Ҳозир бу минтақани ташқи дунё билан янада теран боғлаш ниятида халқаро аэропорт барпо этилмоқда.

Яқинда эса «Учқудуқ — Султон Увайс — Нукус» темир йўли қурилишига жадал киришилди.

Маълумки, бу йўлнинг «Нукус — Тўрткўл» қисми ишга тушганига, йўловчиларнинг оғирини енгил қилаётганига анча бўлди. Энди эса шамол ўйнаётган Қизилқум қўйнида унинг узвий давоми, шунингдек, станциялар, демак, янги иш ўринлари барпо бўлаётир. Навоийликлар 56 километрлик йўл қурилишини қисқа вақт ичида якунлаш ниятида.

ЎЗБЕК

ёхуд юксалаётган саноат

Халқаро кўргазманинг нуфузли медали

Кейинги пайтларда хорижий газеталар ҳам: — Бу йирик саноат минтақасида юксалиш бошланди, — дея эътироф этишмоқда. Бу юксалишнинг сабабларидан бири — тинчлик, тотувлик, ишнинг кўзини билиш ва уни оқилона ташкил этиш билан изоҳланади. Бир маҳаллар минтақадаги саноат корхоналари керакли хомашёни хориждан ташиб келар эди, бугунги кунда эса улар бир-бирининг оғирини енгил қилмоқда, бир-бирига зарур маҳсулотларни ўзлари тайёрлаб беришмоқда. Жумладан, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам олтин олиш учун зарур ўнлаб кимёвий бирикмаларни ишлаб чиқармоқда.

Шунингдек, бирлашма цемент ишлаб чиқариш, самолётсозлик, электротехника, тўқувчилик саноати, тиббиёт учун эҳтиёжталаб кимёвий бирикмалар ҳам ишлаб чиқармоқда, бу эса ўз навбатида мамлакат саноат корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик туғдириб қолмай, изланиш ва самарадорликни таъминламоқда.

Ўн мингдан зиёд кимёчи меҳнат қиладиган саноат ва қишлоқ хўжалиги учун бу йирик корхона 130 дан ошиқ маҳсулот тайёрлайди.

Бирлашма яқинда Женевада ўтказилган инновация халқаро кўргазмасининг нуфузли медали ва фахрий дипломига сазовор бўлди. Навоийлик кимёгарлар таркибида цион моддаси бўлган оқова сувни биологик усулда тозалашнинг илғор технологиясини яратишгани учун ана шу мукофотлар билан тақдирланишди.

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси табиатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Лидия Тимофеевнанинг айтишича, саноатда ишлатилган оқова сувларни ционли бирикмалардан тозалаш бир қадар муаммо бўлиб турган эди, чунки у натрий гипохлорити ёрдамида оксидлаш йўли билан тозаланар, мамлакатимизда бундай модда мавжуд бўлмаганлиги учун уни хориждан сотиб олишга тўғри келарди. Шу маънода яратилган янги технология бирлашма учун ҳар йили 10 миллион сўм маблағни тежаб қолиш имкониятини яратди, айни пайтда у «Навоийазот» туташ ҳудуддаги экологик хавфсизликни ҳам таъмин этади.

Бирлашма ҳар куни 16-18 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Йўқ, биз бугун қишлоқ хўжалиги учун сув билан ҳаводай зарур азотли маъданлар, Нукусдаги гилам тўқиш фабрикаси учун тайёрланаётган кимё толаси ҳақида гапирмоқчи эмасмиз,

3

ЖАҲОН БОЗОРИБОП ХОМАШЁ

Тоталитар тузум буйруқбозликлари, қоракўлчиликдаги ҳавойи сон кетидан қувишлар мазкур тармоқни бутунлай издан чиқарди, дейиш мумкин. Айниқса, «СЖК»дан, сунъий қон қуйишлардан асил Бухоро, Туркман, Қорақалпоқ зотларига мансуб сермаҳсул совлиқлар қирилиб кетди. Собиқ Иттифоқ даврида сунъий қочириш туфайли ҳар юз совлиқдан 180-200 тагача қўзи олинди. Эндиликда ўша келажаги йўқ селекция-наслчилик ишлари сабаб сифатсиз, салмоқсиз териларга эгамиз. Ўз қонуни, ўз талабига эга бўлган дунё бозорида машҳур ўзбек қоракўлининг нархи тушиб кетди.

Истиқлол туфайли ўзликка қайтдик. Оқни оқ, қорани қора дейдиган бўлдик. Бунинг устига сурункали давом этган қурғоқчилик ҳам тугаб, ёғинсочинли, сернам кунларга ҳам етиб келдик. Назаримда, 1997-98 йиллар қиши, баҳори қоракўлчилик учун баракали келди. Узоқ давом этган ёғингарчиликлар эвазига яйловларни қалин изень, шувоқ, каврак ва янтоқзорлар қоплади. Бу чўпон-чўлиқ учун, фидойи чорвадор учун маъмурчилик манбаидир.

Биз яйловлар унумдорлиги боис жорий йил кўкламида ўстириш учун жами 60 фоиздан зиёд қўзилар қолдирдик ва майда моллар бош сонини 1 миллиондан оширдик. Бу ўринда Конимех, Нурота туманлари қўйчивонлари бир

қатор муваффақиятларга эришдилар. Қизилтепа туманидаги «Маликчўл», Навоий туманидаги «Кармана», Навбаҳор туманидаги «Сармиш», Нурота туманидаги «Нурота», Хатирчи туманидаги «Олтинсой», Конимех туманидаги «Сарбил», Абай номли жамоа хўжаликларида ҳар юз совлиқдан 98-101 тага етказиб қўзи олинди. Шунингдек, қоракўл тери ишлаб чиқариш ва унинг харидоргирлигини таъминлашда ҳам олдинги йиллардан анча ўзиб кетдик.

Худди шу ўринда мутахассис сифатида қуйидаги таклифим бор. Менимча, қоракўл териларни, қўй жунини тўлиқ ўзимизда қайта ишлаш вақти келди. Ахир, биз қачонгача хорижий мамлакатларга тайёр тери маҳсулотлари ўрнига қайта ишлашга муҳтож хомашё чиқарамиз? Бунинг устига вилоятимиз сарҳадларида, жумладан Қизилқум кенгликларида туя ва йилқичилик, қорамолчилик ҳам кенг ривожланган-ку! Териларни, тайёр хомашё — жунни ўзимизда ишлашга фурсат етди. Бунинг устига туя сутидан шубат, йилқи сутидан қимиз тайёрлаб, қадоқланган ҳолда савдо пештахталарини тўлдириш, шунингдек, қўй, йилқи, туя гўштларидан сифатли колбаса, ўз ўрнида қази-қарта ишлаб чиқариш гали ҳам етди. Хориждагилар бу каби сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига сармояларини аяшмайди.

Пўлат СУЛАЙМОНОВ,
вилоят «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари, республикада хизмат кўрсатган чорвадор.

НАВОИЙДАН АВСТРИЯГА

Вилоят очиқ турдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти жамоаси дунёнинг ўнга яқин мамлакатларига пахта толаси жўнатмоқда. Яқинда навоийлик пахта тозаловчилар Австриянинг «Агротек» фирмаси билан ҳамкорлик хусусида шартнома тузишди. Эндиликда Навоий пахтаси Корея, Италия, Бельгиялар сингари Австрияга ҳам етиб боради. Агар завод жамоаси 1997 йилда жами 50 минг тонна пахта қабул қилган бўлса уни қайта ишлаш жараёнида, 16 минг тонна сифатли тола олишди. Ва олинган толанинг 90 фоизи хориж мамлакатларига сотилди.

«МАЛИКЧЎЛ» ТУЯЛАРИ

Қизилтепа туманидаги «Маликчўл» жамоа хўжалиги асосан қоракўлчиликка ихтисослашган. Бугунги кунда хўжаликда 23 мингдан ошиқ қўй-қўзи боқилмоқда. Шу билан бир қаторда хўжаликда туячиликка ҳам асос солинди. Кейинги 2 йил ичида саҳро «кема»лари сони 50 тага етди. Келгусида мазкур тармоқни кенг ривожлантириш мўлжалланмоқда.

БОЗОР ТЎКИНЛИГИ—ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ

ЛОНДОН БИРЖАСИДА СОТИЛЯПТИ

Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигида янги уфқларни очган энг йирик қўшма корхона бу — «Зарафшон-Ньюмонт»дир. Чиқитсиз технология асосида ишлаб, иккиламчи хомашёдан соф олтин тайёрлаётган бу қўшма корхона майдонларига асосан чет эллик ишбилармонлар харидор. Шунинг учун ҳам Мурунтов майдонлари Лондон биржасигача етиб борди. Бу биржада Мурунтов маъданларининг бозори ниҳоятда чаққон. Демак, сармоя тушуми, валюта кирими янада ортмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, қўшма корхона учун кетган харажатлар кейинги 4 йил ичида тўла қопланган. Чунки, у ҳар йили ўртача бир неча миллион тонна тоғ жинсларини қайта ишлаяпти.

МУРУНТОВ КОНИДАГИ «ЮКЛЕД»ЛАР

Асрий Қизилқум учун Мурунтов олтин кони муҳим аҳамият касб этади. Бу кондан тоғ жинсларини қазиб олиш туфайли ҳавза йил сайин чуқурлашиб боряпти. Бу эса замонавий, ниҳоятда оғир юк кўтарувчи чет эл машиналарига эҳтиёж туғдирмоқда. Швейцариянинг «Юклед» типидаги машиналари конда юксак унум билан ишлатиляпти. 300 метр чуқурликдаги маъданлар ҳавзасида Американинг «Катерпиллаер», Японияннинг «Пико» ва «Комоцу» типидаги «паҳлавон» машиналари ҳам бор. Бир йўла 140 тонналик юк кўтара оладиган ва айланма ҳавза йўлида бемалол юра оладиган бу хориж машиналари сони ҳозирда 25 тадан ошиб кетди. Айниқса, кейинги 2 йил ичида улар сони муттасил ортди. Конда худди шундай «қўли» ва «ковуши» 30 тоннагача тоғ жинслари кўтара оладиган чет эл эксковаторлари ҳам юқори самара билан ишлатиляпти. Энг муҳими, бу техника воситалари табиатга, кондаги атмосфера ҳолатига деярли зиён етказмайди.

ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Вилоят телефон алоқа тизимида хориж технологияси, замонавий асбоб-ускуна қўл келяпти. Буни Навоий — Япония иқтисодий алоқаларида яққол кўриш мумкин. Океан орти мамлакатининг «НЭГ» фирмаси билан тузилган шартномага кўра, яқинда вилоят мажмуи алоқа хизмати яна 30 минг нусхали телефон алоқаси билан бойийди. Ана шу аснода Навоий шаҳридаги 3-марказий АТСда қайта таъмирлаш ва монтаж ишлари давом этяпти. Хориж линиясининг афзаллиги бу бир вақтнинг ўзида 180 та у ёки бу операцияни бажара олишида. Шунингдек, яқинда вилоятнинг Навоий, Нурота, Конимех, Навбаҳор туманларида ҳам бу каби рақамли замонавий телефон станциялари қурилишига киришилди.

ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

уларнинг маҳсулоти ҳамдўстлик мамлакатларидагина эмас, балки Хитой, Туркия, Эронда ҳам харидоргир.

Айни кунларда олтин саноати учун бебаҳо бўлган каустик сода ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасидаги ишлар давом этмоқда. Бу борада кимёгарлар Германиянинг «Лурги» фирмаси билан ҳамкорлик қилишмоқда.

«Ўзбекистонда тайёрланган»

Навоийда цемент заводи аввал ҳам бўлган, лекин бугун у барчанинг диққат-марказида. Одамлар шу ерда ишлашни истайди, тадбиркорлар, хорижлик ишбилармонлар шу ерга ошиқади.

Нега?

Ҳа, гапни шунинг замирида ётган синоатдан бошлашга тўғри келади. «Қизилқумцемент» ҳам иқтисодий қийинчиликни бошидан кечирган. Завод ҳовлисида ўн минг тонналаб қурилиш хомашёси тўпланиб қолган пайтлар бўлган.



«Энг улуғ, энг азиз» танловига

ЭЛЬДОРАДОСИ

минтақаси ҳақида ҳикоя

Чунки ўтга чидамли пишиқ ғишт ва цемент ишлаб чиқаришда асқотадиган темир қипиғи, бошқа зарур хомашё етишмаслиги оқибатида қуйдириш печларининг аксарияти ёпиб қўйилган. Одамлар заводга келиб уззу-кун бекор ўтиришар, вақтида маош берилмас, тағин ишсиз қолиш хавфи таҳдид солиб турар эди.

Олий Мажлис депутати Ўктам Рўзиқулов «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамиятига бош бўлгач, ишни мавжуд имкониятлардан ўринли фойдаланишдан бошлади.

Пича маблағ йиғилгач, испаниялик ишбилармонлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Печ ва цехларга замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди.

Ишлаб чиқаришга янгиликни татбиқ этиш ўз самарасини бермай қолмайди. Заводнинг цемент ишлаб чиқариш имконияти ўтган йилнинг биринчи чорагида 282 минг тоннани ташкил этган бўлса, бу йилги кўрсаткич 315 минг тоннага етди ёки ишлаб чиқариш суръати бултургига нисбатан роппа-роса 117 фоизга ўсди.

Ўтган чоракда харидорларга 294 минг тонна цемент, 830 метр квадрат мармар тахталари, 393 минг тонна клинкер етказиб берилди.

Хомашё — туффит Малик чўлдан қазиб олинади.

Ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган 1700 киши ҳозир бу даргоҳга ўз оиласидай боғланиб қолган, жонларини жабборга бериб меҳнат қилишади, чунки шунга яраша эътибор кўраётир.

Шу йилнинг бошида бир вақтлар тўхтаб қолган қуйдириш печларидан яна бири ишга туширилди. Унда ойига 37 минг тонна цемент тайёрланаётир. Бу — 11 миллион сўм соф даромад деганидир.

Корхона ҳаётига ҳар куни бир янгилик татбиқ этилганининг гувоҳи бўлишингиз мумкин. Бугунги кунда цементни 5, 10, 15 ва 50 килограммлик махсус қопларда қадоқлаш ҳам йўлга қўйилган. Кўрган кўзни қувонтирадиган бу қоплардаги маҳсулотлар Нукус, Урганч, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қарши шаҳарларидаги «Қизилқумцемент»нинг ўттиздан ошиқ ўз савдо уйларида сотилаётир. Қирғизистон, Туркманистон ва Қозоғистонда, шунингдек, қатор хорижий мамлакатларда ҳам «Ўзбекистонда тайёрланган» деган ёзув битилган чиройли қопларда Навоий цементи сотишга чиқарилаётир...

«Оловли минтақада гуллаётган юрт...»

Ўзбек эльдорадоси, бу минтақа саноат корхоналаридаги юксалиш ҳақида гап борар экан, бир ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди: бу юксалиш замирида чет эл инвестицияси ўрни беқиёсдир. Навоийликлар бултур 141 миллион доллар хорижий инвестицияни жалб этишган. Ҳозир улар токи 2000 йилгача бир миллиард доллар атрофида чет эл инвестициясини ўзлаштириш ниятидадир.

Хорижлик ишбилармонлар минтақадаги саноат корхоналарига ҳамкорлик манбаи сифатида қарашади. «Қизилқумцемент» айни кунларда Германиянинг «Меллерс» фирмаси билан ҳамкорликда цемент қопларга қадоқлаш тизимининг иккинчи тармоғи устида ишлаётир. Бу тармоқ ишга тушгач, ҳар йили 250 минг тонна цемент жаҳон андозаларига мос равишда қадоқланади.

Рангли цемент ишлаб чиқариш цехи, янги қуйдириш печлари қуриш, мавжудларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ҳам жадал бораётир. Бу борада уларга испаниялик тадбиркорлар қанот бўлаётир.

Биз борган куни Швеция ва Словакиядан тадбиркорлар ташриф буюрган экан. «Сведола» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Пол Енсон шундай дейди:

— Оловли минтақада жойлашган Ўзбекистоннинг юксалиши бежиз эмас. Бу ерда тинчлик, осойишталик, кафолатли сиёсат мавжуд. Хорижий тадбиркорлар учун барча эшиклар ланг очиқ. Биз ўзимизни уйимизда юргандек ҳис этамиз. Шунинг учун ҳам ҳамкорлигимиз абадий бўлишига шубҳа қилмаймиз.

Словакия элчихонаси савдо вакили Войтех Гаирак билан оқшомги сокин кўчалар бўйлаб сайр этар эканмиз, шаҳар манзараларини у Братислава кўринишларига ўхшатди. «Халқларимизнинг қисматлари ҳам бир-бирига ўхшаш, — дейди у. — Сизларнинг бахтингиз шундаки, юртингиз йўлбошчиси Ўзбекистон шавкатли, салоҳиятли мамлакат бўлишини истайди, шу эзгу мақсадга у ўз ҳаётини тиккан. Бу ўз натижасини бермай қолмайди».

Ҳа, Ўзбекистон салоҳиятини йирик корхоналар, уларни барпо этган қўли гул — яратувчи кишилар белгилайди.

Қизилқум фосфорит заводи

Модомики, биз Навоий саноат минтақаси ҳақида сўз юритар эканмиз, чинакам истиқлол меваси — Қизилқум фосфорит заводи ҳақида тўхталмасак, адолатдан бўлмайди.

Мана шу улкан корхона ўрни яқиндагина бийдай чўл эди. Бу ерда мамлакатнинг ўн тўртта қурилиш ташкилоти, 200 дан ошиқ бунёдкорлар фидокорона меҳнат қилишди ва Марказий Осиёда ягона бўлган бу корхона қисқа фурсат ичида қад ростлади. Корхонага Швециянинг «Сведола» фирмаси жиҳозлари ўрнатилди. Куни кеча заводнинг биринчи навбати иш бошлади. У йил охиригача 450 минг тонна фосфорит маъданни ишлаб чиқариш қувватига эга.

Хомашё махсус ҳавзадан «Вирген» эксковаторлари орқали қазиб олинади ва заводнинг заҳира омборига етказилади. Заводда эса у қайта ишланади...

Ҳозир завод атрофида ободончилик ишлари олиб борилаётир. Ҳадемай бу ерда кўркам ишчилар шаҳарчаси қад ростлайди...

Инсон ўзидан хайрли иш қолдиришни истайди.

Ҳаётнинг маъноси шу.

Шунинг учун ҳам у тонгни шомга улаб меҳнат қилади, боғ-роғлар яратади, иншоотлар қуради, шаҳарлар барпо этади.

Ва бундай одамларни севмаслик мумкин эмас!

Қизилқумда қад ростлаган бири биридан кўркам, замонавий, бири биридан улкан, маҳобатли саноат корхоналари шундай тиниб-тинчимас одамлар пешона терининг ҳосиласидир. Уларга кўзингиз тушса, кўнглингиз тоғдай юксалади. Чунки уларнинг маҳобати Соҳибқирон бобомиз: «Агар қудратимизга шубҳа қилсангиз, иморатимизга қаранг!» — дея пештоқига ёздириб қўйган Оқсаройдан асло кам эмас!

Ва кундан-кунга чирой очаётган бундай кўркам, яратувчан юртни севмаслик мумкин эмас!

Ғаффор ҲОТАМОВ

МУВАШШАҲ

Ўзлигимни танитган юрт, тоза имонимсан, Ватан,
Томиримда жўш уриб, оққан соф қонимсан, Ватан.
Зар кийим турса ёпиб, Осиё-гўзал малак,
Сен унинг бўйнида дур-тоза маржонимсан, Ватан.
Бахт қуши қўнди, бошга ҳурлар ичра ҳурмиз бугун,
Истиқлолинг порлоқ қуёш, бахти кулганимсан, Ватан.
Елкасида тоғ кўтариб, меҳнат билан уйган хирмон,
Меҳнаткаш, зўр ботир ўғлон — танти деҳқонимсан, Ватан.
Келса гар меҳмон кулиб, бағри очиқ бир диёр,
Меҳр-ла унга тутилган ҳам туз-у нонимсан, Ватан.
Ишқ ила қалбимни мен, сенга поёндоз айлайин,
Олам узра тенгсиз жаннат — жаннатмаконимсан, Ватан.
Соғиниб васлинг сени, қайда бўлмай энтикиб,
Шошаман бағрингга мен, танҳо маконимсан, Ватан.
Тарихингда ўчмас из — бир ёруғ юлдуз бўлиб,
Етти иқлим пойида лол, соҳибқиронимсан, Ватан.
Оташин меҳрингга тўйиб, бағрингда ўсган гул ўзим,
Парвариш қилган ўзинг, мен гулга боғбонимсан, Ватан.
Не ажаб мадҳингга мен, бир мувашшаҳ битдим ғариб,
Келдиёрни умри етмас, куйлашга достонимсан, Ватан.

Келдиёр ХУДОЁРОВ,
Хатирчи туманидаги 72-мактаб ўқитувчиси

БУГУНГИ НАВОИЙ

ҚИЗИЛҚУМЛИК ҚАҲРАМОН

Николай Кучерскийни нафақат навоийликлар, балки республикамизда ва ундан ташқарида ҳам яхши билишади. Николай тоғ муҳандислари тайёрлаш институтида ўқиб юрган кезларидаёқ ер ости ва усти қазилма бойликларини излаб топиш, бу бойликларни халқ хўжалиги, иқтисодиёт учун хизмат қилдиришга ҳаракат қилди. Ана шу иштиёқ боис у 1961 йили институтни имтиёзли диплом билан тугатди-ю, йўлланма билан Қизилқумга, аниқроғи ҳозирги Учқудуққа ишга келди. Дастлабки меҳнат фаолиятини Шимолий кон бошқармасида оддий мастерликдан бошлади. Худди шу бошқарма Николай ҳаётида чинакам мактаб вазифасини ўтади, десак муболаға бўлмайди. Мана, қарийб 11 йилдирки у Навоий тоғ-металлургия комбинати бош директори, шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси «Қизилқумкамёбметалолтин» Давлат концерни раиси ҳамдир.

Булардан ташқари у республикада хизмат кўрсатган муҳандис, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистон миллий Қаҳрамони ҳамдир. У нафақат тоғ, кон саноатида, балки республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам ўз мавқеига эга.

... Кучерскийнинг оддий иш кунлари. Буни ҳам ҳар ким ҳар хил тушунади. Аммо унинг одамохунлиги ҳаммада ҳайрат уйғотади. Агар у АҚШ ишбилармонлари, Германия сармоядорлари, Япония миллиардерларини қабул қилаётган бўлса-да, оддий фуқаро учун, унинг арз-ҳолини эшитиш учун ҳам вақт топади. Ана шу ўринда 14 та етим болаларни асраб олган Мунаввара Пардаева ёхуд уруш ва меҳнат фахрийси Иброҳим Норовларнинг қуйидаги ягона дил сўзларини эсламоқ жоиздир.«Биз учун Николай Иванович орқа тоғ!» Тоғ бўлганда ҳам забардаст тоғлик сабаб етим болаларга «РАФ—2203» автомобилини, уруш ногиронларига эса 200 минг сўм пулни хайр-эҳсон, мурувват сифатида берди. Булар хамир учидан патир, холос. Хатирчидаги табиий офат, Тошработдаги сел оқибатларини тугатишда ҳам Кучерский камарбаста.

Хизмат вазифам сабаб унинг қабулхонасида бўлганимда Н.Кучерский телефонда немислар билан гаплашаётган эди. Энди суҳбатимиз қовушганда Италиядан, сўнгра эса Японияда қўнғироқ бўлди. Мени эса суҳбатдан ҳам кўра унинг кабинетидаги Навоий соф олтинининг ёрқин ифодаси бўлган халқаро мукофотлар қизиқтирарди. Мукофотлар коллекцияси ичида «Эдиторнал офис» (Испания), «Интернейшнл Конвеншн» (Мексика), «Давелопмент Фаундайшн» (АҚШ) сингари машҳур компанияларнинг совринлари мавжуд. Қачонки, Николай Ивановичнинг: «Кечирасиз, кутдириб қўйдим», деган сўзларидан кейин диққатимни жамладим. Суҳбатимиз энди анча қовушди. Юзма-юз мулоқат давомида сездимки, Қизилқум кончилигидаги қарийб 40 йиллик фаолият Кучерский ҳаётида сезиларли из қолдирибди.

— Кеча менинг ўзим шогирд эдим. Менга кон очиш, уни ўзлаштириш санъатини Зароп Зарапетян билан Анатолий Петров ўргатди, — дейди Николай Иванович пиёладаги совиб қолган чойдан ҳўпларкан. — Энди бўлса, ўзим устозман. Геннадий Прохоренко, Евгений Толстов,Олег Малгин, Ҳаёт Ғаффоров, Акбар Ҳусаинов ... бу ва бунга ўхшаш шогирдларим билан ҳақли равишда фахрланаман. Қизилқум кончилигининг яловбардорлари ана шулар.

Дарҳақиқат, юртбошимиз Ислом Каримов қайд этганидек, Николай Ивановичга ўхшаган Ўзбекистон Қаҳрамонлари бор экан, юртимиз юки ерда қолмайди.

БОБОЛАРДАН ҚОЛГАН «МАКТУБ»ЛАР

Қай миллат ё элатнинг ўтмишини билмоқчи бўлсак, шубҳасиз, тарихга мурожаат қиламиз. Бу ўринда ўтмишдан қолган мерос, осориатиқа ва тарихий обидалар қўл келади. Шунинг учун ҳам биз тарихни энг доно ва зукко муаллим, деб атаймиз. Навоий вилоятининг сарҳадларини ҳам қадим Бухоро, Самарқанд, Хива каби минг йилликларга тенглаштириш мумкин. Чунки вилоят тасарруфида худди шу кўҳна шаҳарлар билан тенгдош Кармана, Нурота каби қутлуғ қадамжолар борки, улар билан ҳақли равишда фахрланиш мумкин. Тўпланган маълумотлардан аёнки, Навоий вилоятида 430 та тарихий-археологик ва нодир санъат ёдгорликлари мавжуд. Афсуски, уларнинг атиги 40 га яқини Республика тарихий ёдгорликлари рўйхатига киритилган. Қолган кўп қисми эса маҳаллий аҳамиятга молик ёдгорликлардир.





Қадимда «Буюк ипак йўли»нинг Кармана орқали ўтиши, бу ҳудудда карвонсаройлар, яхна муздек зилол сувга эга бўлган сардобаларнинг қурилиши ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир. Зеро, ўтмишда Кармана кенгликларининг учдан икки қисми чўл ва ярим чўллардан иборат бўлган. Карвон ва сарбонлар бу яйдоқ саҳродан ўтиши учун ҳафталаб вақт сарфлашган. Бу ердаги энг йирик тарихий обида — Қосим Шайх хонақосидир. Собиқ тузум даврида топталган бу хонақо мустақиллик йилларига келиб, қайта таъмирланди. Худди шундай Мир Саид Баҳром мақбараси ҳам Кармана шаҳрининг энг ноёб ёдгорлигидир. Ўнинчи асрлар охири, ўн биринчи аср бошларига мансуб бу ёдгорлик асосан Кармана мири Саид Баҳром хотирасига қурилган.

Бу ҳудуддаги яна бир тарихий обида бу — Работи Малик дарвозасидир. Аслида бу ер йирик карвонсарой бўлиб, унинг дам олиш, овқатланиш жойлари бўлган. «Буюк ипак йўли» учун у асрлар давомида хизмат қилган. Малик Работ қўрғони ёнида юқорида қайд этганимиздек яхна ҳовуз — Сардоба бўлган. Умуман ўтмишда Мовароуннаҳрда бунга ўхшаш катта-кичик 44 та сардоба бўлган. Бироқ ўтмиш жангу жадалларидан, йиллар силсиласидан бизгача атиги 2-3 таси етиб келган. Бу каби нодир ва ноёб тарихий манбалар ҳозир давлат ҳимоясида.

Вилоятдаги яна бир кўҳна, тарихий шаҳар Нуротадир. Бу ердаги ноёб ансамбль — Чашма мажмуидир. У ердаги тилсимотли балиқлар, ер остидан сизиб чиқаётган обизамзам тоғликларга гўёки ҳаёт ато этмоқда.

Бундай обидалар биз билан сизга гўё боболаримиз қолдирган «мактублар»дир! Улар бизга ва биздан кейинги авлодларга ҳам тарихимиздан, қадим қадриятларимиздан, улкан маънавий меросларимиздан ҳикоя қилиб туради.

ТРАНСПОРТИ

Вилоятда темир йўл узунлиги 445 километр.

Вилоятдан Тошкент — Каспийбўйи, Тошкент — Учқудуқ темир йўллари ўтади.

Автомобиль йўли узунлиги 4534 километр, жумладан 4182 километри қаттиқ қопламали.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Навоий давлат педагогика институтининг учта факультетида 17 та кафедра фаолият кўрсатади.- Кундузги ва сиртқи бўлимида 2200 талаба ўзбек, рус, қозоқ тилларида билим олмоқда.

1995 йилда Навоий Давлат кончилик институти ташкил топди. Бу илм даргоҳида 17 та кафедра бор.Институт ҳузурида ихтисослашган техника коллежи ва бизнес лицейи ишлаб турибди.

- Вилоятда тиббиёт, педагогика, саноат билим юртлари мавжуд.
- Вилоятда 369 мактабда ўқув жараёни ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, рус-ўзбек, тожик, туркман тилларида олиб борилади.
- Ўқитувчилар сони 16369, ўқувчилар сони 175550 нафарни ташкил этади.
- Янги турдаги таълим муассасалари: 9 та лицей-интернат, 8 та гимназия, 4 та мактаб-интернат, 2 та кечки ёшлар мактаби мавжуд.

МАДАНИЯТ

Вилоят халқ ижодиёти маркази, «Ўзбекнаво» гастроль концерт бирлашмаси, бирлашган кутубхона, тарих-ўлкашунослик музейи, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш инспекцияси, «Фарҳод», «Ширин» маданият саройлари, 8 та туман ва 2 та шаҳар маданият бўлимлари фаолият кўрсатяпти.

Дарпи ва рақамлар

- Вилоятда 125 та клуб муассасалари, 293 та кутубхона, 5 та маданият ва истироҳат боғи, 2 та болалар санъати мактаби, 9 та болалар мусиқа мактаби, 3 та давлат тасарруфидаги ва 8 та халқ музейи, 1 та ёш томошабинлар театри мавжуд.
- Бу маданият муассасаларида 460 та тўгарак ишлаб турибди.

СПОРТ

Вилоятда стадионлар 11 та, спорт заллари 145 та, сузиш бассейнлари 4 та, спорт майдончалари 1161 та, теннис кортлари 11 та, футбол майдонлари 249 тани ташкил қилади.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

- Вилоятда 59 та касалхона, 43 та қишлоқ врачлик амбулаторийси, 261 та ФАП мавжуд.
- Тиббиёт масканларида 25501 нафар олий, 8674 нафар ўрта махсус шифокорлар хизмат кўрсатади.

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Зарафшон шаҳрида 80 дан зиёд миллат ва элатга мансуб 70 минга яқин кончилар, саноатчилар яшаб, меҳнат қилишади. Уларнинг ижтимоий ҳимояси, турмуш тарзи шаҳар ҳокимлигининг асосий диққат-эътиборида. Ана шу мақсадда шаҳарда қатор хайрли ишлар қилинмоқда. Бунга мисол қилиб табиий газ ва тоза ичимлик суви таъминотини кўрсатиш мумкин. Аслида шаҳарга суйилтирилган газ Россиянинг Оренбург шаҳридан ташиб келтириларди. Бу эса йилига 50-60 миллион сўмни «еб» юборарди. Энди эса Газли — Чимкент трассасидан шаҳарга қувурлар ёрдамида табиий газ олиб келинмоқда. Шунингдек, бу шаҳарда замонавий водапровод ҳам ишга туширилиб, аҳоли мушкули осонлашди. Энди шаҳарнинг 9-11 қаватли биноларида ҳам обиҳаёт мавжуд.

ЗАВОДНИНГ ЎЗ МОТОР ЦЕХИ

Навоий очиқ турдаги ҳиссадорлик пахта тозалаш заводида электр токи билан ишлайдиган двигателларни қайта таъмирлаш цехи ишга туширилди. Натижада, йилига 1,5-2 миллион сўмни тежаш имконияти туғилди. Чунки ҳозиргача заводдаги пахтани қайта ишлаш аппаратлари моторлари бошқа шаҳарларда таъмирланарди. Бу ортиқча харажат талаб қиларди. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқаришда зарур бўлган майда асбоб-ускуналар, ҳар хил вал ҳамда муфталар ҳам тайёрланяпти.

Қўш саҳифа материалларини Ислом ҲАМРО билан Музаффар ШАРОПОВ тайёрлашди. Суратлар муаллифи Турғунбек МАҲКАМОВ.

Навбат — Жиззах вилоятига.

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 18 iyun, payshanba № 72 (22.309).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

ЗЎРДАН ЗЎР ЧИҚАРМИКИН?

FRANCE 98

Чемпионат поезди шамолдек елиб бормоқда. Бу поездга тиркалган 32 та вагон ўзига хос синовдан ўтмоқда. Маълумки, таъбир жоиз бўлса, бу вагонлар Францияни орзу қилган 32 мамлакатда созланиб, «мойланган». Ҳозирча гуруҳларда саралаш баҳслари давом этаётган экан тезкорликка дош бера олмаган вагонлардан бирининг поезддан узилиб қолгани ҳақида сўзлаш жоиз эмас. Зеро, вагонлардан вагонларнинг фарқи борлиги тобора аён бўлмоқда. Очиқроқ сўзланганда чемпионатнинг дастлабки босқичидан муваффақиятли ўтиб, ҳал қилувчи ўйинларда иштирок этишга талабгорлик қилаётган жамоалар кўзга ташланмоқда. Айтайлик, мухлису мутахассисларни ҳайратга солган Нигерия футболчиларининг кутилмаганда эришган ғалабаси бу жамоанинг кучлилар сафида бўлишига умидворлик уйғотиши табиий. Шунингдек, шашти баланд Бразилия жамоасини ҳам яна бир бор зафар кучиб, бешинчи марта жаҳон чемпиони бўлиши мумкин деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Айни пайтда Италия, Франция, Голландия, Германия, Аргентина, қолаверса Хорватия жамоалари ҳам ана шундай даъвогарлардан бўлиб туришибди.

Чемпионатда бугунгача 18 та учрашув ўтказилиб дарвозалар 40 марта ишғол этилди. Зеро, футбол баҳслари барқарор ва қулай шароитларда давом этмоқда дейиш қийин. Хусусан, Парагвай — Болгария учрашуви куни эрталабданоқ бир кимса миршаблар маҳкамасига сим қоқиб, ўйингоҳга портлатгич мосламаси ўрнатилгани ҳақида шум ҳабар тарқатди. Ташкилотчиларнинг тинчи бузилди. Ҳайтовур, ўйин бошланишига ярим соат қолганида ҳаммаси ёлғон хабар экани аён бўлди. Яна бир қизиқ манзара диққатни тормоқда. У ҳам бўлса, ўз мамлакатлари футбол жамоаларига ишқибозлик қилаётган мухлислар юзларини давлатлари байроғи рангида «пардоз» қилиб олишганидир.

Германия — АҚШ (2:0), Руминия — Колумбия (1:0), Англия — Тунис (2:0) учрашувлари билан гуруҳлардаги дастлабки тур ўйинлари якунланди. Демак ҳар қайси гуруҳда жамоалар биттадан учрашув ўтказишди. Бразилия — Марокаш ўйини билан гуруҳларда иккинчи тур ўйинлари бошланди. Маълумки, жаҳон чемпионлари Шотландия жамоасини ютишган эди. Бу сафар ҳам улар бўш келишмади. Аввал Роналдо ҳисобни очди. 46-минутда Ривалдо ғалабани мустаҳкамлади. Учрашувнинг иккинчи қисмида Бебетто ҳисобни 3:0 га етказди. Албатта, бу билан Марокаш жамоаси суст кашлик қилди, деган маъно чиқмайди. Улар астойдил ҳаракат қилишди. Аммо, Мустафо Хожига ўхшаш беҳаловат ва ҳужумкор ўйинчилар камлик қилгандек бўлди. Норвегия — Шотландия учрашувида эса 1:1 ҳисоби қайд қилинди. Шундай қилиб, «А» гуруҳида биринчи ўрин Бразилияга насиб этиши аниқ. Иккинчи ўрин эса Шотландия — Марокаш, Бразилия — Норвегия учрашувларида аён бўладиган кўринади. Кеча Италия — Камерун, Чили — Австрия жамоалари ўзаро учрашдилар. Бугун эса Франция — Саудия Арабистони, ЖАР — Дания учрашувлари бўлади. Тошкентда эса ана шундай нуфузли мусобақаларга келажакда замин бўладиган тадбир бошланди. У ҳам бўлса ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатининг саралаш баҳсларидир. Ўзбекистон ёшлари бугун Ироқ футболчилари билан ўйнашади. Ироқликлар эса Мальдив жамоасини 5:0 ҳисобига енгишган эди.

Ҳайдар НОСИРОВ

ДИЛИ ВА ТИЛИ...

Турфа хил одамлар билан бирга яшаймиз. Аммо хеч ўйлаб кўрганмизми: атрофимиздагилардан қанчасининг тили ва дили бир? Оиламизда нечта киши, ишхонамизда нечта киши доимо дилидагини рўй-рост гапиради? Таниш-билишларимиздан қанчасибитган ёзувчи, шоирлар-ку «Норбой авра-астарини чиқариб ташламаса?» деб чўғ устида тургандай юришади. Чунки улар бу аччиқ сўз танқидчининг ўзбекчилик қилиб юз-хотир қилмаслигини, мансаб-мартаба, унвон каби «имтиёз»ларни назар-писанд қилмаслигини яхши билишади.

Мунаққиднинг тап тортмасдан рост сўзни айтавериши унинг бошига кўп ғалвалар ҳам келтирган. Ҳатто 80-йилларда унинг Москва матбуотида Чўлпон, Фитратларни улуғ ижодкор сифатида эътирофлаб чиқиши Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси махсус топшириғига кўра муҳокама ҳам қилинган. Ўшанда «Чўлпон, Фитратлар шахс сифатида оқланган, лекин ижодкор сифатида оқланмаган» деб оёқ тираганлар кейинчалик уялиб қолишди. Чунки рост сўз ғолиб келди. Чўлпон, Фитратни улуғлаганлар сафида журъат билан турган Худойберганов ҳақ эканлиги тасдиқланди.

Дил ва тил бирлиги инсонга ғаройиб фазилатлар ато этади. Масалан, Норбой ака ҳодисаларнинг равиш-рафторига қараб, унинг келгуси ҳақида аниқ фикрлар айтади. Ёки одамларнинг ўзини тутиши, гап-сўзига қараб, унинг аслида қанақа одам эканлиги, истиқболда қандай бўлиши тўғрисида баҳо берадики, шу рост бўлиб чиқади. «Бу бола ҳаммани маҳлиё қилиш учун зўриқиб эгакесимсиз, чинқириб гапиришидан ашаддий шуҳратпарастга ўхшайди. Бу чиройли гапирадиган йигит эса хўралигидан танбалга ўхшайди. Меҳнатдан қочадиган бу хилдагилар қандай яшашни билишади» тарзида тавсифлаганлари кейинчалик чин бўлиб чиқди.

Кўнгилдан чиққан чин сўзга тўғаноқ бўлиш, ҳақ сўзни айтганга озор бериш Худога ҳам хуш келмайди. Норбой аканинг рост сўзларига ғашланиб, унга азият етказганларнинг давру даврони чала бўлгани худди шундан далолат беради. Рост сўз қудратини яна бошқа бир мисол ҳам тасдиқлайди. Норбой ака эътироф қилган асарлар ҳар қанча маломат тошлари отилган бўлмасин, ҳануз эътиборда турибди. Танқид қилган асарлари эса ҳар қанча мақталган, машҳур мукофотлар билан тақдирланган бўлмасин, аллақачон унут бўлиб кетди. Чунки тап-тортмас танқидчининг мулоҳазалари асосли, рост бўлгани боис фикрларни ўзгартирди. Мақтов-мадҳиялар сохта бўлганини маълум қилди. «Мақтов-ширин нарса. У ҳаммага ёқади. Аммо мақтов маҳлиё қилиб ҳаммаёқни расво қилади. Мақтов шуҳратпарастларни кўпайтиради. Атрофни «даҳолар» босиб кетади. Ҳақиқий даҳолар эса мақтовларга овунмайди. Улар фақат меҳнат билан банд бўлади», дейди Норбой ака.

Ўзи бировнинг кўнглини кўтариш учун ҳам ёлғондан бўлса-да, уни мақтамайди. Чунки дилида бўлмаганини тилига чиқаролмайди. Дили ва тили бир бўлиш эса ҳам машаққат, ҳам роҳат. Ўзбек адабиёти майдонида ўз сўзи, ўз овозига эга мунаққид Норбой Худойберганов машаққату роҳатлар оғушида 60 ёшнинг тепасида турибди.

Абдулла УЛУҒОВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ислом Ҳамро, навбатчи Соҳиб САЛИМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 27.543 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 080

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«ТАҲЛИЛНОМА»ГА ТАҲСИННОМА

Одатда ҳар якшанба оқшомида «Ҳафтанома» дастурини кўриш одат эди. Лекин бундан уч ҳафталар бурун ўша вақт, ўша соатда янги бир кўрсатув бошланди: «Таҳлилнома»!

Тўғриси, биз узоқ йиллар «Ҳафтанома»га ўрганиб қолгандик, кўникиб қолгандик: одам бир нарсага ўрганиб қолса, аста бу ўрганиш кўникишга айланади, кейинчалик ундаги барча ҳолатларни табиий қабул қилавераркан. Шу зайл ҳатто хато ва камчиликларга ҳам беэътибор қарай бошлайди. Уларни хотиржам қабул қилади. «Ҳафтанома» ҳартугул бундай нуқсонлардан холи бўлса-да, кейинги пайтларда бир хиллик, юзакичилик, ҳафта давомида берилган лавҳаларнинг қайтариғидан иборат бўлиб қолаётганди. Қизиқ бир ҳол, илгари «Ҳафтанома» янги ташкил қилинган кезларда томошабинлар «Ахборот»ни кўрмаса кўрмас эди-ю, «Ҳафтанома»ни кўриш пайида бўларди. Кейинги пайтларда эса «Ҳафтанома»ни кўрмаслиги мумкин, лекин «Ахборот»ни канда қилмайдиган бўлди. Бирор жойда тўйхашам ёки маросимга борадиган бўлишса ҳам, ҳамма вақтини «Ахборот»га мослайди. Ё «Ахборот»ни кўриб кейин борилади, ё «Ахборот»гача бориб келинади. Нима бўлганда ҳам ушбу дастур албатта кўрилади. Жиддий танқидлар, аниқлик, фактларга асосланиш, тезкорлик бу кўрсатувнинг ютуғи бўлди. Муҳими, у халқнинг эътиборига тушди. «Ахборот»даги ҳар бир чиқиш эртага ўша жойдаги аҳволнинг ўзгаришига, айбдорлар қилмишига яраша жазоланишига олиб келади. «Ахборот»нинг рейтинги «Ҳафтанома»никидан кескин ошиб кетди.

Мана шундай пайтда «Таҳлилнома» юзага келди. Аввало, кўрсатувнинг яхши-ёмон жиҳатлари ҳақида гапиришдан олдин у воқеа сифатида ижобий ҳолат эканлигини, айни вақтда юзага келганлигини айтиб ўтиш керак. Ҳозир замон ғилдирагини ахборотлар тўлқини айлантириб турибди. Бу тўлқин ичида соғлом ахборот ҳам, нохолис, шум ниятли ахборот ҳам бор. Тирикчилик ташвишлари билан андармон одамга эса уларнинг керак-нокераклигини, муҳим-номуҳимини ажратиш қийин. Воқеаларни, жараёнларни таҳлил қилиш, улар моҳиятидаги куч, интилиш, манфаатларни ҳамиша ҳам англаб етолмайди. Бу юк энди «Таҳлилнома» ғардонига тушади.

Жаҳон матбуотида ахборот билан боғлиқ икки йўналиш устувор. Бири воқеа-ҳодисаларни қисқа сатрларда зудлик билан ўқувчига етказиб бериш. Ҳеч қандай шарҳсиз, ҳеч қандай муносабатсиз. Иккинчи йўналиш эса ана шу ҳодисаларнинг туб заминига етиш. Мана шу икки йўналиш, услуб бирлашган жойда матбуот ўз олдига қўйган вазифани уддалайди. Хўш, бизда қандай бўлиши керак? Назаримда, бизда янги, мустақил, ҳур жамият қураётган кишилар юз бераётган ҳодисалар, воқеаларнинг туб илдизига етиб бориши учун қуруқ ахборотнинг ўзи камлик қилади. Бизга «тафсилот» ҳам керак — шамол қаёқдан қаёққа эсаётганлиги, нима учун эсаётганлигини ҳам билиш тақозо этилади. Бу ишни «Таҳлилнома» уддалайди, деган умиддамиз, кўрсатувнинг томошабинга тақдим этилган дастлабки тўрт дастурлари мана шундай умид қилишга асос бўлади.

«Ойнаи жаҳон»да янги кўрсатув

Қолаверса, биз Доренкнинг аналитик «Время»сини, Киселёвнинг «Итоги»сини, Сваниднзенинг «Зеркало»сини, қўйингчи, Осокин, Миткова, Сагалаевларнинг худди шу йўналишдаги кўрсатувларини кўрганимизда ўзимизда ҳам жиддий, айни пайтда уларникидан фарқли ўлароқ холис ва моҳияти соғлом таҳлилли кўрсатувлар пайдо бўлишини кутиб юрардик ва сиз кўриб улгурган «Таҳлилнома»нинг ўтган тўрт чиқиши ана шу орзуларимизнинг ушалаётганини кўрсата бошлади. Айниқса, учинчи кўрсатувда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан келиб чиқадиган сабоқларга бағишланган журналист Муаттар Асқарова билан суҳбат киши эътиборини тортди. Сиёсатшунос Сайфиддин Жўраев билан мулоқот ҳам бир қадар аҳамиятли бўлди. Иқтисодчи Алишер Мўминовнинг банк лизинги хусусидаги фикрлари мутахассисларбоп бўлса-да, бу янги соҳанинг томошабинлар ҳукмига тақдим қилиниши ўзи катта гап. Шу суҳбатда Алишер бир гапни айтди. Яъни, лизинг операциялари соф савдо операциялари эмас ва улар солиққа тортилганда савдога қўйиладиган солиқ фоизи билан бир хил бўлиши керак эмас. Бу тўғри гап ва муаллиф мана шу ўринга алоҳида урғу берса бўларди. Сўнгги кўрсатувда айниқса, ғаллачилик таҳлили киши эътиборини тортади.

Бизда бир одат бор, бундай кўрсатувлар ҳамиша «ҳашар» йўли билан олиб борилади. Менимча, бу тўғри эмас, ҳар бир ижодкорнинг ўз доимий кўрсатуви бўлгани яхши. Ана ўшанда чин маънодаги соғлом, ижодий рақобат ҳам бўлади, изланиш ҳам бўлади. Назаримда, бу кўрсатув унинг дастлабки асосий муаллифи Бобур Алихоновга мос. Унинг ички интеллекти, сиёсий мушоҳадаси, иқтисодий тафаккури, маҳорати бу кўрсатувга қўйилаётган юксак талабларга мос келади. Уни бефарқ тинглаб бўлмайди. Бобур айтаётган гапига аввал ўзи ишонади ва томошабинларни ҳам ишонтиради. «Ҳафтанома»да журналистнинг дунёқараши, маҳорати унча билинмас, тайёр лавҳалар, тайёр сюжетларни ифодали қилиб ўқиб берувчи сухандонга ўхшар эди. «Таҳлилнома»да эса муаллиф ва бошловчи бевосита жараёнларнинг иштирокчиси сифатида дахлдорлик, манфаатдорлик билан фикр юритиши лозим бўлади ва бу, назаримда, Бобурга хос фазилатдир. Бир истак: кўрсатув жуда сиёсийлашиб ҳам, жуда иқтисодийлашиб ҳам ва жуда илмийлашиб ҳам кетмагани яхши ва тўлалигича ишлаб чиқаришга кириб кетмагани ҳам дуруст бўларди. Ҳар қандай таҳлил, ҳар қандай хулоса энг аввало ҳаётийлиги билан халқнинг, одамларнинг кайфиятидан келиб чиқиши керак. Одамларнинг кайфияти эса энг кучли ва энг тўғри, энг ҳаётий таҳлилномадир. Мен «ойнаи жаҳон»даги ижодкор биродарларимга бу ишда омадлар тилайман.

Аҳрор АҲМЕДОВ

МУСТАҲКАМ БИРЛИК УЧУН

Республикамиз бўйлаб «Бахтли оила» танлови босқичлари давом этмоқда. Аммо, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида ўтказилган танловда иштирок этган оилаларни кўриб, бир нарсага амин бўлдим: улар орасида мағлублари йўқ. Оилаларки, фарзандлар соғлом ва маънавий етук, тинчтотув, тадбиркор, ижодкор, меҳнаткаш. Улар учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Шундай эса-да, туманнинг «Шодлик» (Мирсоатовлар), «Янги Тошкент» (Абдураҳмоновлар), «Чуқурсой» (Мутаповлар), «Истиқбол» (Тоғаевлар), Ҳамза номли (Мирпўлатовлар) маҳаллалари орасидан танлов шартларига кўра ғолиблар аниқланиб, уларга туман ҳокимлиги номидан гилам, магнитафон, полос совға қилинди. Навбатдаги босқичга ўтган Мирпўлатовлар оиласи эса телевизор билан тақдирланди.

Нурбек ТОШНИЁЗ

Орамиздаги одамлар



Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «SEZAM NUR» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

«Ўзматлуботтаълим» республика таълим уюшмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

МАҲАЛЛА
— бебаҳо кадрият, саховат ва савоб маскани
«Маҳалла» лотереяси — омад синови
Мамлакат тарихида биринчи марта ўтказилаётган ушбу лотерея ўйинида қатнашинг, ютуқларга эга бўлинг.
Сизни бешта 1.000000 сўмлик,
бешта 700000 сўмлик,
бешта 250000 сўмлик,
ўнта 100000 сўмлик,
жами 205280 та ютуқ кутмоқда
Лотерея билетлари Халқ банки бўлимларида, маҳаллаларда ва газета дўконларида сотилмоқда.
Баҳоси 50 сўм.
ОМАДИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ, АЗИЗЛАР!

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «FETAP» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 144-75-08 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон-Греция «Спортлотто Лтд» қўшма корхонаси жамоаси шу корхонанинг тижорат ва маркетинг бўйича мутахассиси Абдували Комиловга онаси Шодмонов КОМИЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги савдо ваколатхонаси жамоаси шу ваколатхонанинг масъул ходими Т. Н. Раҳматовга волидаси Кимё РАҲМАТОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ПАРВОЗИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, «БУХОРО»!

Мамлакатимиз учувчилари жаҳон ҳаво қатнови маконида тобора мустаҳкам мавқени эгаллашмоқда. Миллий авиакомпаниямиз самолётларини жаҳоннинг турли аэропортларида учратиш мумкин. Ўтган йили 2 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилди. Бу «Ўзбекистон ҳаво йўллари» қатновларида кўрсатилаётган юксак даражадаги сервисдан гувоҳлик беради. Эндиликда миллий авиакомпаниямиз жаҳон қатновлари бозорида нуфузли ва йирик етакчи компаниялардан бирига айланди, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбек учувчилари энг замонавий авиация техникасига эга. Маълумки, 1993 йилда илк бор иккита «А-310» аэробуси лизингга олинган эди. «Эрбас Индастри» ишлаб чиқаришига мансуб бу самолётлар авиация бизнесига янги муносабатни олиб кирди. Ишга ноандозавий ёндашувларни ва профессионал тайёргарликни йўлга қўйди. Зеро, Ғарб бозорида бундай русумдаги самолётлар кўпдан буён фойдаланиб келинмоқда. Уларнинг энг асосий устунлиги юқори тежамкорлигидир. Масалан, «А-310» бир соатда ёнилғини 4 тонна 150 килограмм сарфлайди. Муҳими, замонавий техника самолётнинг бехатарлигини таъминлайди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» аэробуслар ёрдамида кўпгина халқаро қатновларни бажаришга киришди. Эндиликда миллий авиакомпания халқаро йўловчи ташиш умумий ҳажмининг ярми

уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Шуни айтиш керакки, «А-310» самолётлари муддатдан олдин сотиб олиниб, авиакомпаниямизнинг мулкига айланди. Бу эса ўта фойдали шартларда яна бир «А-310» ҳаво кемасини сотиб олиш тўғрисида битим тузишга имкон берди.

15 июнь куни Тулузада «Эрбас Индастри» консорциуми қароргоҳида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» раҳбари Арслон Рўзметов ва «Эрбас Индастри» ижрочи директори Дитрих Руссел иштирокида мамлакатимиз авиакомпанияси учун қурилган «А-310» самолётини топшириш маросими бўлди. Учинчи аэробусимиз қадимий тарихий шаҳримиз шарафига «Бухоро» номини олди. У 193 йўловчига хизмат кўрсатади. «Пратт энд Уитни» фирмасининг PW4000 двигателлари билан жиҳозланган. Шуни айтиш керакки, «А-310» самолётларининг 700 дан ортиғи жаҳоннинг қарийб 90 авиакомпаниясида фойдаланилмоқда.

Франция вақти билан кечаси соат 12.00 да «Эрбас Индастри» консорциумининг етказиб бериш марказидан кўтарилган «А-310» янги ҳаво кемаси 7 соатдан сўнг 15 июнь эрталаб Тошкентга келиб қўнди. Ушбу воқеа муносабати билан тантанали митинг бўлиб ўтди.

Кеча «Бухоро» аэробуси Жанубий-Шарқий Осиёга — Бангкок шаҳри томон биринчи парвозни амалга оширишга киришди.

Парвозинг баланд бўлсин, «Бухоро»! Мамлакатимиз довруғини оламга ёйишда қанотларинг толмасин.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.
Тулуза — Тошкент.